ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

4 (438)

2005 йил 26 январь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Сохтакор терговчилар...
▶ "Имкон" имкон топди!

3
▶ Шаргун тоғларида писта-бодом кўп...
▶ Ойдин момонинг "ташвиши"...

4
▶ Рўмолча — муҳаббатдан нишона
▶ Янги саройда кўҳна наволар садоси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АХБОРОТИДАН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига 2005 йил 17-20 январь кунлари бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган 84 нафар аъзо рўйхатга олинди.

* Яширин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан - Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланди.

* Сенат аъзолигига номзодлар маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлари орасидан Оқсоқоллар кенгашлари томонидан кўрсатилди.

* Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 16 нафар аъзоси тайинланди.

* Сенаторларнинг қарийб 15 фоизи Ўзбекистон аграр секторининг намояндалари бўлиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган таниқли фермер хўжаликлари раҳбарларидир.

* Сайланган сенаторларнинг 20 фоиздан ортиғи - таълим, илм-фан ва маданият тизими вакиллари. Улар, авваламбор, Сенаторлар орасида йирик олимлар, маданият ва санъат арбоблари бор.

* Мамлакатимиз саноати мажмуи вакиллари сенаторларнинг 10 фоизини ташкил этади.

* Сенат аъзоларининг 15 фоизи турли соҳаларда фаолият юритувчи, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этувчи, ўз меҳнати, илғор ҳаётий қарашлари билан халқимиз орасида обрў-эътибор қозонган хотин-қизлардир.

* Сенаторлар орасида етти миллат вакиллари бўлиб, уларнинг 89 фоизи — ўзбеклар, 11 фоизи — қорақалпоқлар, руслар, туркманлар, қозоқлар, украинлар, корейслар.

* Сенатда ҳудудий вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг мамлакатимизда обрў қозонган, таниқли раҳбарлари ҳам бор.

Хоразм вилояти

2005 ЙИЛ - СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

Урганч шаҳридаги 200 ўринли вилоят туғруқхонаси биноси катта таъмирлаш ишларидан сўнг бутунлай янгича қиёфага кирди. Тиббий муассаса нафақат таъмирланди, балки бу ердаги барча асбоб-ускуналар энг замонавийларига алмаштирилди.

Қадамбек ОТАЕВ олган суратлар.

Совлом фикр

"МУСТАҚИЛ МУСУЛМОНЛАР", УЛАРНИ КИМ ВА НИМА УЧУН ҲИМОЯ ҚИЛАЯПТИ?

...Маҳбус Самандар Умаров ўз ажали билан вафот этди. Бу бор ҳақиқат. Халқаро экспертларнинг хулосаси ана шундай. Ҳусусан, ушбу хулоса "Фридом Хаус"("Freedom House") инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи нодавлат ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси директори Мьюши Север томонидан ҳам матбуот анжуманида эътироф этилди.

Тўғри, бунгача инсон ҳуқуқларининг "мустақил" ҳимоячилари роса аюҳаннос солишди. Қонуний ҳукуматни ағдаришга чақиргани, қотиллик қилиш билан қўрқитгани, ҳукуматга қаршилик кўрсатгани, ифво варақаларини тайёрлагани ва тарқатгани учун 2002 йил январида 17 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган бу ислом экстремистини тутқунликда азоблашганию, "беайб бечора"ни қийнаб юборишганини оғзиларидан кўпик сачрагудек ҳолда гапириб чарчашмади.

Аслида эса яъни маҳкамалараро ишчи гуруҳи аниқлашича, ўз жазосини Навоий вилоятида ўтаётган С.Умаров 2005 йил 2 январда Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази шахобчасининг реанимация бўлимида мияда қон айланишининг кескин бузилиши оқибатида ҳаётдан кўз юмган. Бошқача қилиб айтганда, инсультдан вафот этган. Бу хулосани АҚШ экспертлари Рональдо Суарес ва Драго Кос ҳам тасдиқлашди.

Дарвоқе, ушбу жўшқин фаолиятни сахийлик билан молиявий таъминлаб турувчи Ғарбнинг кўрсатмасига биноан маҳаллий инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари томонидан "Мустақил мусулмонлар" мавзусида шов-шув кўтаришга бундан аввал ҳам уринишлар бўлган. Уларнинг мақсади асосан жамоатчилик фикрини чалғитишдан иборат.

Россия учун буларнинг бари яхши таниш манзаралар. Юзлаб бегуноҳ болалар ва аёлларни Москва метросида, Каспийск, Беслан, Волгодонскда ўлдираётган чечен террорчиларини ҳимоя қилаётган Ковалев, Политковская, Каспаров каби жанобларнинг дод-войлари ҳалиҳануз айрим одамларни чалғитиши мумкин, аммо кўпчиликнинг кўзи очилиб бўлган.

Ўзбекистон масаласида эса ҳали "ишни давом эттиришмоқда". Хьюман Райтс Вотч яқинда навбатдаги маърузасини чоп этди. Унда оз эмас, кўп эмас, Тошкент "...терроризм билан глобал кураш асосларини емираётгани" айтилган.

Гап шунда эканки, "Кўп йиллар мобайнида ҳукумат тинчликсевар эътиқоди, амалиёти ва алоқалари давлат томонидан ўрнатилган қатъий чегараларга мос келмайдиган "Ислом фундаменталчилари"ни панжара ортига ташлаб келаётгани" уларни ташвишлантираётган эмиш. Лоф ҳам эви билан-да. Воқелик бу ўринда бузиб талқин этилаяпти. Аслида, ҳукумат эмас, балки исломнинг ўзи, яъни мамлакат уламолар Кенгаши Қуръонга тўла амал қилган ҳолда, ҳақиқий диний эътиқод барча мусулмон мамлакатларида тақиқланган сохта "Хизб-ут Таҳрир"дан тамоман фарқ қилишини билдирган.

Хьюман Райс Вотчнинг бошқа бир иборасига эътибор қаратайлик: "Маълумотларга кўра, 1990 йилларнинг ўрталарида мустақил ислом билан кураш кампанияси бошлангандан буён 7 мингга яқин киши озодликдан маҳрум этилган. Ҳукумат ўз тазйиқини оқлаш мақсадида"Террорчилик тўлқини"ни рўкач қилиб кўрсатмоқда. Бунда зўравонликка чақирувчилар билан оддий тинч эътиқод қилувчилар ўртасида фарқ борлигига эътибор бермаяпти".

Яна ошириб юборишди. **"Мустақил ислом"** дегани нима ўзи, у қаёқдан келиб қолганини тушуниш мушкул. Ислом қандай қилиб Қуръондан, ўз муқаддас ғояларидан, қонун ва одатларидан мустақил бўла олади?

"Оддий тинч эътиқод қилувчилар" хусусида ҳам саволлар мавжуд. Бўлғуси "икки оёқли бомба"ларни яшираётган улар эмасми? Ўшалар учун пул тўплаётган, бошпана бераётган, бошқача қилиб айтганда яширин террорчилик учун шарт-шароит яратаётганлар улар эмасми? Ўша яширин террорчилар билан курашиш Ўзбекистон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон махсус хизматларига катта ташвишлар туғдираяпти ва бир неча кун муқаддам Махачқалъа четида бўлгани каби жангариларнинг "бошпана"сини олов билан куйдиришга тўғри келмоқда.

Хьюман Райтс Вотч ранжийди: "2004 йилнинг 1 ноябригача 241 айблов ҳукми қайд этилган". Нима, Тошкент ва Бухорони портлатган, шаҳарликлар ва милиционерларни ёвузларча ўлдирганларни олийжаноблик билан авф этиб юбориш лозиммиди? Террор туфайли қурбон бўлганларга келганда инсон ҳуқуқлари нима учундир амал қилмаганига ҳайронмиз. Ҳар холда, Хьюман Райтс Вотч террор туфайли синган тақдирларни, шу туфайли бева ва етим қолган аёл ва болаларнинг тақдирини ҳимоя қилиб ўтказган бирорта тадбирни эслаш мушкул.

Бу борада, яхшиси, бошқаларнинг хатоларидан тўғри хулоса чиқарган маъқул. Россияда, инсон ҳуқуқлари ва озодлик ҳақида ҳайқириқлар садолари остида, аввал Дудаевни кечиришди, сўнгра Масхадов ва Басаевни. Бунга жавобан нималарга эга бўлинди: қонга беланган Доғистон, Хорошилов Шоссесида портлатилган уйлар, Дубровкадаги театр...

"Vesti.uz" мақоласи асосида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисида

Жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодни тарбиялашга, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга кенг жалб этилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек 2005 йил Ўзбекистон Республикасида «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 декабрдаги Ф-2095-сон фармойиши билан ташкил этилган Республика комиссияси томонидан вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан биргаликда ишлаб чиқилган «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тасдиқлансин.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг иловада назарда тутилган тадбирлари тасдиқланган республика бюджетида ва маҳаллий бюджетларда молиялаштиришнинг аниқ манбалари, бажарувчилар маблағлари билан таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлари ҳисоблансин:

одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлиғини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, зарарли одатлардан воз ечиш, соғлом бўлишга, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга интилишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлаш лойиҳалари ва тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг, айниқса қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги билимлари ва маданиятини ошириш, санитария ва шахсий гигиена қоидаларининг аҳамияти ҳамда уларга риоя этиш зарурлигини ёш авлод чуқур англаб етишида ота-оналар ва педагоглар ролини кучайтириш;

гиёҳвандликка, чекишга, юқумли касалликлар; шу жумладан сил касаллиги ва ВИЧ/ОИТС тарқалишига қарши кураш бўйича аниқ мақсадга қаратилган фаолиятни ташкил этиш;

пенсионерлар ва ногиронлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санатория-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини янада кучайтириш;

аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, экология нормаларини татбиқ этишга, аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлашга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш;

аҳоли кенг қатламларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини, айниқса болаларни спортга жалб этишни фаоллаштириш, мусобақалар, оммавий спорт ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказишни ташкил этиш ишларини амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш ходимларининг мураккаб ва масъулиятли меҳнатини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг мураккаблиги даражаси ва сифатига қараб меҳнатга табақалаштирилган ҳолда ҳақ тўлашни жорий этиш юзасидан аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий қоидаларига мувофиқ 10 кун муддатда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқсинлар ва уларнинг бажарилишини таъминласинлар.

4. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 декабрдаги Ф-2095-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссиясига юклансин.

Республика комиссияси доирасида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий бўлимлари амалга оширилиши учун масъуллардан иборат Кенгаш тузилсин.

5. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилишнинг қуйидаги тизими белгилансин:

Кенгаш ҳар ойда тўпланади ва «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига киритилган аниқ тадбирлар бўйича бажариш учун масъулларнинг ҳисоботини эшитади;

Давлат дастури асосий бўлимларининг бажарилиши учун масъуллар ҳар чоракда Республика комиссияси мажлисларида дастур бўлимларининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот берадилар;

Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида тасдиқланган топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этади.

Давлат дастури асосий бўлимларининг бажарилиши учун масъулларнинг ҳисоботларини тайёрлашда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти тегишли қўшимча ахборот тайёрлайди ва уни кўриб чиқиш учун Республика комиссиясига киритади.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, оммавий ахборот воситалари «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг роли ва аҳамиятини кенг тушунтиришни, турли даражаларда дастурнинг амалга оширилиши ва унинг натижалари мунтазам ёритиб борилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 25 январь

Mahalla

— Яна нима дейди?
— Абдулла кумуш медаль соҳиби, — дейди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ» танловига марҳамат!

Азиз журналистлар! Матбуотда ўз дил сўзларини айтишда фаоллик кўрсатаётган жонкуяр ҳамкасблар, тарихга айланган 2004 йил Сизга қандай ижодий ютуқлар олиб келди? Ватанимизнинг мустақиллик йўлида собиткадамлар билан олга боришига муносиб ҳисса қўшаётган, кишиларимиз тафаккурида юз бераётган уйғониш, тикланиш ва янгиланиш жараёнларини юксак савияда маҳорат билан таъсирчан усулларда ифодалаган мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилдингизми?

Газета, журнал, радио, телевидение журналистлари, марҳамат, 2004 йил мобайнидаги энг сара ижод намуналарингизни «Йилнинг энг фаол журналисти-2004» танлови ҳайъатига тавсия этинг.

Голиблар 2005 йил 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида маълум бўлади ва тақдирланади.

Танловга тавсия этиладиган ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилиши сўралади.

Мурожаат учун манзил: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30-хона.
Телефонлар: 144-37-87; 144-69-65

Спортчиларимиз довруғи

ДЗЮДО

АБДУЛЛАНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Москвада дзюдо бўйича ўтган жаҳон суперкубоги босқичида Абдулла Тангриев финалда россиялик Александр Михайлинга имкониятни бой бериб, кумуш медаль соҳиби бўлди.

ЎзА

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот таркатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ИРОҚ САЙЛОВГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ирокда жорий йилнинг 30 январида ўтажак парламент сайловига тайёргарлик давом этмоқда. Аммо, мамлакатдаги турли террорчи гуруҳлар аҳолини овоз беришда иштирок эттирмаслик ниятида хунрезликларни амалга оширишдан тўхтамаяпти.

Душанба куни пойтахт Бағдод шаҳрининг хорижий элчихоналар ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари жойлашган қисми - «яшил ҳудуд»да навбатдаги қўпорувчилик содир этилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, террорчилар Ироқ бош вазири Ойяд Алавий етакчилик қилаётган Миллий келишув партияси қароргоҳи яқинида автомобилга ўрнатилган портловчи қурилмани ҳаракатга келтирган. Оқибатда 5 киши ҳалок бўлди, ўндан ортиғи оғир яраланди. Айни пайтда бундай ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида барча ҳудудларда хавфсизлик чоралари кучайтирилмоқда.

Сайлов жараёнларининг тинч ўтишини таъминлаш мақсадида полиция ва ҳарбий бўлинмалар жанговар ҳолатга келтирилган. Шунингдек, уларга овоз бериш учун келганларни алоҳида текширувдан ўтказиш ваколати берилди. Чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли эса сайлов округларига махсус транспорт воситаларида ва кўрикчилар кузатувида етказилади.

Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган муҳожирлар иши бўйича халқаро ташкилот хорижда яшовчи 1 миллиондан зиёд ироқликнинг сайловда иштирок этишини таъминлашга ҳаракат қилаётир. Маълумотларга қараганда, Германияда истиқомат қилувчи Ироқ муҳожирларининг салкам 25 минг нафари овоз бериш учун рўйхатдан ўтган. ГФР ҳукумати томонидан Берлин, Кёлн, Манхейм ва Мюнхен шаҳарларида сайлов участкалари ташкил этилди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Тошкент вилояти

ХОНАДОНИМ ФАРИШТАСИ - ОТАЖОНИМ!

Қадимдан Шарқ мамлакатларида, хусусан юртимизда кексаларга юксак ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиб келинади. Ширинсуханлиги, оғир ва мулойимлиги ҳамда катта ҳаётий тажрибаси билан ёш авлод вакилларига ибрат бўлувчи нуроний отахону онахонларимизни доимо давра тўрига ўтказишимизнинг боиси ҳам шундан.

Янгийўл тумани Убай Мусаев номли қишлоқ фуқаролар йиғини Чангтепа маҳалласида яшовчи Мўмин ота Ходиев ҳам бугун мурувватли маҳалладошлари, оқибатли қўни-қўшнилари ва меҳрибон фарзанд ва набиралари эъзозида.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Йиғин раҳбари

Сурхондарё вилояти

ТОҚЧИЁНЛИКлар САЙЛАГАН РАИС

У маҳаладошлари ишончига кира олган эди ва шунга муносиб бўлмоқда

Сариосиё туманида ўн иккита қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолият юритади. Уларнинг таркибидаги маҳаллалар сони олтмиш тўртта. Туманда қишлоқ хўжалиги тараққий этган. Пахта ва ғалладан юксак хирмон яратилмоқда. Қўлга киритилаётган улкан ютуқларда қишлоқ ва маҳалла йиғинларининг ҳам муносиб ўрни, салмоқли улуши бор.

Ўтган уч йил мобайнида маҳалла оқсоқолларининг бевосита раҳбарлигида саккизта замонавий маҳалла гузарлари фойдаланишга топширилди.

Ана шу қишлоқ йиғинлари орасида айниқса Тоқчиёнда олиб борилаётган ишлар ибратли. Узоқ йиллар таълим соҳасида меҳнат қилган, сўнгра "Тоқчиён" ширкат хўжалигини бошқарган тажрибали мутахассис, ташаббускор инсон Ҳайдар ака Ашуров қишлоқ йиғинида раис.

Қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Тоқчиён, Янгиқишлоқ, Маданият, Қулмазор, Фозилқўчди маҳаллалари таркибида ўн уч қишлоқ бор. Ҳайдар Ашуров бу қишлоқларни қадамба-қадам кезиб чиққан. Улардаги муаммоларни ҳам яхши билади. "Тоқчиён" ширкат хўжалиги билан бир қаторда, ҳудуддаги йиғирма саккизта фермер хўжалиги раҳбарлари маҳаллани ободонлаштириш ишига жалб этилди. Неъмат Қурбонов, Элмурод Турсунов, Норбобо Шерқулов, Муродулла Бердиев, Шуҳрат Абдураҳмонов каби сергайрат маҳалла раислари Ҳайдар акага елкадош бўлдилар. Уларнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли изчил бошлаб юборилган хайрли ишлар самараси тезда кўзга ташланди. Жонбахт, Толпоя, Қул қишлоқлари томон олти километрлик ўрта босимдаги газ қувурлари тортилди. Хонадонларга газ ускуналари ўрнатиш ҳам тезкорлик билан бажарилди. Бу ишга 45 млн. сўм маблағ сарфланди. Жонбахт қишлоғига тоза оби ҳаёт келди. Артизиан қудуғини пармалаш сармояси 6 млн. сўмни ташкил этди. Олтмиш етти оила тоза ичимлик суви билан таъминланди. Янгиқишлоқдаги мавжуд эски артезиан қудуғи ҳам қайта таъмирланиб ишга туширилгач, юздан ортиқ оиланинг мушкули осон кечадиган бўлди. Қишлоқ аҳолиси йўл азобидан азият чекарди. Фозилқочди маҳалласи аҳли йўлни тузатишга киришди. Ҳашар уюштирилди. Фермерлар транспорт воситалари билан кўмаклашди. Йўлга дастлаб шағал ётқизилди. Сўнг уни асфальтлаш масаласига хорижлик ҳамкорлар жалб этилди. 1100 метр узунликдаги қишлоқ кўчасига асфальт ётқизилди.

Фозилқочди маҳалласига сув қувурлари ётқизилди. 197 хонадонга сув ўтказиш жумраклари ўрнатилди. Саккиз юзга яқин фуқаро тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишди. Иккинчи лойиҳа маҳаллани газлаштиришга қаратилган эди. 841 хонадонга газ ускуналари ўрнатилиб, қарийб минг метр масофага ўрта босимдаги қувурлари тортилди. Фозилқочди қишлоғидаги хўжаликлардан 210 таси оқар ариқ сувидан фойдаланишарди. Улардаги муаммо ҳам ечим топди. Артезиан қудуқ тўла-тўкис таъмирланиб, ер қаъридан тоза ичимлик суви чиқарилди. Бундай хайрли иш Полпоя қишлоғида ҳам амалга оширилди. Маданият маҳалласидаги Янгигузар аҳолиси хонадонларига ҳам юқори кучланишли янги электр узатиш ускунаси ўрнатилди.

Қишлоқ йиғинида ҳар бир одам ҳисобда. Кам таъминланган оилалар ҳам, ногирон кишилар ҳам алоҳида рўйхатга олинган. Уларнинг бекаму кўст ҳаёт кечиришлари қишлоқ ва маҳалла оқсоқолларининг диққат марказида. Меҳр ва мурувват йилида ширкат ва фермер хўжаликлари ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларнинг ҳар бирига юз кг.дан буғдой, ўн кг.дан ёғ ва гуруч тарқатилди. Ҳайит ва байрам кунлари қишлоқ оқсоқоли Ҳайдар Ашуровнинг бир ташвиши ўн чандон ошади. У маҳаллалар оқсоқоллари билан бирга ночорлар, бетоблар, ногиронлардан ҳол сўрайди, кўнглини кўтаради.

Омон ШУКУРОВ, "Mahalla" мухбири.

Бугунги юмушлар

Қашқадарё вилояти

*** Дастлабки натижа — 433 одам ишли бўлди.**
*** "Имкон" баҳона топишга эмас, фаол бўлишга чорлайди.**
*** "Марказ"нинг диққат марказидаги масала нима?**

ИШСИЗЛИК ЕНГИЛМАС МУАММОМИ?

— Йўқ, — дейди Европа Иттифоқининг Europe AID дастури доирасида Қашқадарёда иш олиб борган мутахассислар. — Вилоятда ишсизлик даражасини камайтириш учун қулай ва муҳим имкониятлар бор. Халқ "Излаган имкон топади" деб бекорга айтмаган.

Бандликни ривожлантирувчи ҳудудий имкониятларни кенгайтиришга қаратилган амалий ишлар ва тадбирлар воҳанинг Ғузор, Деҳқонобод, Қамаши ва Чироқчи туманлари доирасида ўтказилди. Дастлаб ана шу туманлардаги 44 та маҳалла ва қишлоқларда меҳнат билан банд бўлмаган фуқаролардан иборат ишчи-маслаҳат гуруҳлари ташкил этилди. Имкониятлар изланди, топилди ва натижада 433 нафар ишсиз кишилар доимий даромад манбаига эга бўлишди.

Европаликлар ҳеч шубҳасиз ишсизлик муаммосига қарши курашишда муайян тажриба ва муваффақиятларга эга. Europe AID дастурининг "Ўзбекистонда бандлик имкониятларини ривожлантириш" лойиҳаси ҳам айнан ана шундай илғор услублар асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг бошқаруви Agrikondulting Europe (Белгия ва Италия), BBJ Consult (Германия), Nehem (Голландия), Writtle College (Буюк Британия) каби нуфузли ташкилотлар томонидан амалга оширилган.

Дастлаб 2003 йилнинг август ойида иш бошлаган лойиҳа ижрочилари меҳнат бозори ва ундаги асосий тенденцияларни ўрганиш ҳамда ҳудудларда ўқишга бўлган эҳтиёжни аниқлашни юқоридаги туманларда тадқиқотлар ўтказишдан бошлашди. Тез фурсат ичида ишсизликка қарши курашиш стратегияси ишлаб чиқилди. У 3 йўналишдан иборат эди. Биринчиси, жойларда ишчи-маслаҳат гуруҳларини тузиш, иккинчиси, маълумотларнинг эркин оқимини ташкил этиш ва учинчи йўналиш—тренинглар ўтказишдан иборат эди. Бу тадбирларни ўтказишга маҳаллий мутахассислар ҳам жалб этилди.

— "Имкон" деб номланган маҳаллий гуруҳларнинг асосий мақсади қийинчиликларни рўкач қилаётган ва нолишдан нарига ўтолмаётган ишсиз фуқароларни фаол шахсларга айлантириш эди, — дейди лойиҳанинг вилоятдаги раҳбари Девид Макклири. — Улар "Нима учун мен ишсизман?" деб арзиҳол қилиш эмас, аксинча "Қандай қилиб муаммони ечиш мумкин?" дея савол бера бошладилар. Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири учун касбга оид лойиҳа ва режа ишлаб чиқилди.

Тўртта туманда ҳам лойиҳа асосида бизнес-меҳнат ахборот марказлари тузилди. CHF international ташкилотининг молиявий кўмаги билан ўтган йилнинг охирларида Ғузор, Деҳқонобод ва Қамаши туманларида бундай марказлар фаолият бошлаган бўлса, декабрь ойига келиб Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомийлигида Чироқчи туманида яна бир тузилма ташкил этилди. Компьютер, принтерлар, факс, нусха кўчириш ускуналари, мебеллар билан жиҳозланган, махсус қўлланмалар билан таъминланган ҳар бир марказда малакали мутахассислар ишлайди. Марказ ишсиз фуқароларга нафақат бандлик, молиялаштириш ва малака ошириш имкониятлари билан боғлиқ маълумотларни беради, балки уларнинг бизнес ғояларини амалга оширишга ҳам ёрдамлашади. Мазкур лойиҳа доирасида 160дан ортиқ ишсиз одамлар қисқа муддатли ўқув курсларида турли мутахассисликлар бўйича таҳсил олишди. Бугунги кунда уларнинг аксарияти компьютер операторлари, пайвандчилар, автомобил ва қишлоқ хўжалиги техникаларини таъминлаш усталари сифатида иш юритаётган бўлса, айримлари енгил саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

"Ўзбекистонда бандлик имкониятларини ривожлантириш" лойиҳаси якунланди. Қашқадарёликлар эндиги асосий вазифа бошланган савоб ишни давом эттириш деб ҳисоблашмоқда. Бу борада туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари, жойлардаги бозор инфратузилмаси ташкилотлари, ўқув муассасалари ҳамда бевосита иш берувчилар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш зарур бўлади.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ



Иккинчи суд — иккинчи мақола

ҲУЖЖАТЛАРДАГИ СОХТАКОРЛИК

Уларнинг жиноят ишида аҳамияти йўқми?!

Мазкур мақола ёзилишини — бу мавзуга яна қайтишни назарда тутмаган эдик. Негаки, бу ҳақда газетамизнинг 2004 йил 13 октябрь кунги сонида "Тақдирни таҳқирлаганлар..." сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда бу борадаги ҳамма гап деярли айтилган эди. Ўша мақола Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг 2004 йил 20 июлдаги Ажрими асосида ёзилган бўлиб, назаримизда Ажрим ҳам, шу асосда ёзилган мақола ҳам бу борадаги хатоларни, сохтакорликларни қайтармаслик учун, унга йўл қўйганларга тегишли чора қўллаш учун етарли асосдек туюлган эди бизга. Шу Ажримда вилоятнинг Денов шаҳрида яшовчи фуқаро Эркин Исмоилов устидан гиёҳвандлик моддасини сотмоқчи бўлганликда айбланиб очилган жиноий ишда суриштирув, тергов давомида Э.Исмоиловга нисбатан турли ноқонуний йўллар билан иш олиб борилганлиги аниқланган, шу сабабли бу иш яна терговга қайтарилиб, бу ўринда ўз вазифасини тўғри бажармаган ва ҳатто била туриб қонунбузарликларга йўл қўйган ҳуқуқ-тартибот ходимларига нисбатан хизмат текшируви тайинланиб, унинг якуни бўйича айбдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар қўлланиши зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Бу Ажрим ва шу асосда ёзилган мақола юзасидан суд, прокуратура, ички ишлар органларининг энг юқори ташкилотлари томонидан чоралар белгиланиб, бу чораларни амалга ошириш, кўрсатмаларни қайта тергов давомида ҳисобга олиш учун вилоят ва Денов тумани прокуратураси, ички ишлари органлари раҳбарларига юборилди. Юқори ташкилотлар томонидан йўлланган кўрсатмаларни, умуман, Ажримдаги кўрсатмаларни улар қандай бажардилар? Бир сўз билан айтганда, ҳеч қандай? Қоларверса, биз яна мақола ёзиб ўтирмасдик, акс ҳолда Жиноий ишлар бўйича Сурхондарё вилояти судида бу жиноий иш кейинги бор кўрилганда ҳам, яна терговга қайтарилмаган, бу ишни қайта тергов қилган Денов тумани прокуратураси терговчиси Ф.Қурбоновнинг бу ишда қонун бузилишларига йўл қўйган ҳуқуқ-тартибот ходимлари А.Сувонов, А.Исмоилов, Р.Сирожиддинов, М.Пирнафасов, Ҳ.Бойтўраев, Ҳ.Абдусаломов ва бошқаларга тегишли ишни тугатиш ҳақидаги қарорини бекор қилмас, улар устидан жиноий иш кўзғатиш ҳақида яна хулоса чиқармас эди. Энг ачинарлиси, судда бу иш билан шуғулланган ходимларнинг янги-янги сохтакорликлари (албатта, қандай бўлса-да Э.Исмоиловни жиноятчи эканлигини далиллашга қаратилган) аён бўлди. Бу сохтакорликларнинг баъзилари жиноий ишни бошқатдан тергов қилган Денов тумани прокуратураси терговчиси Ф.Қурбоновнинг фаолиятида ҳам яққол сезилди. Акс ҳолда ҳеч ўйлаб ўтирмай, суднинг хулосасини рад қилиб, юқорида номлари санаб ўтилганларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқ, дея хулоса ясаб, Э.Исмоиловга нисбатан эса юқори ташкилотлар кўрсатмаларини ҳисобга олмай, томонлар билдирган фикрларни, гувоҳлик кўрсатмаларини ишда қўлламасдан, айблов хулосаси "ижод қилиб" кейинги судга топширмаган бўларди. Оддий бир детал: Ф.Қурбонов судга айблов хулосасини тақдим этар экан, уни 25-26 сентябрда тугаллаб, 1 сентябрда тасдиқлатади, ёки унинг бош қисмида Э.Исмоилов моддани сотган чоғида қўлга олинган, дейди. Ҳолбуки, бутун иш давомида бу ҳолат сотмоқчи бўлган деган хулоса билан юритилади. Айблов хулосасидаги бундай чалкаш ва ишга масъулиятсиз ҳолатни иккинчи суд хулосасидаги қуйидаги қайдларга бир эътибор берсангиз билиб оласиз (бу ўринда аввалги суд аниқлаган ва аввалги мақолада эътироф этилган сохтакорликларни санаб ўтирмаймиз — гарчи буларни Ф.Қурбонов ҳам такрорлаган бўлса-да). Аслида Э.Исмоиловни жиноятчи эканлигини ноқонуний йўллар билан "далиллаш"га астойдил киришганларнинг ишларини ёзиб қоғозга сиғдириб бўлмай қолди. Ф.Қурбонов судга ана шу "сохтакорлик тўплами"ни қайта йўллаб, унинг номини "Айблов хулосаси" деб атайди. Терговчи номидан иш кўраётган А.Исмоилов ҳатто ўз қилмишлари давомида Ўзбекистон Республикаси паспортлари рақамлари 7 хонадан иборат бўлишини ҳам билмаслигини фош қилиб қўйди. У Э.Исмоилов номига 6 хонадан иборат рақамли паспорт "ижод қилган" экан. Бу "паспорт"даги Эркин Насриддинович Исмоилов деган ёзувдан бошқа ҳеч нарса Э.Исмоиловга тегишли бўлган ҳақиқий паспортдаги ёзувларга тўғри келмайди. Биз Денов тумани ИИБ ТБ терговчиси ўз хонасида, Денов тумани прокурори вазифасини бажарувчи Б.Саматов ўз хонасида тергов қилганларида бу икки идора орасида анчагина масофа бўлишига қарамасдан бу жараёнларда орадан бир дақиқа ҳам вақт ўтмаганидан аввалги мақолада ҳайрон бўлган эдик. Суднинг аниқлашича, бу икки тергов матни ҳатто нуқта вергулигача бир хил ва терговчи А.Исмоилов томонидан ёзилган экан. Қаранг, сохтакорликда Б.Саматов ҳам бўш келадиганлардан эмас экан. Ёки икки тергов давомида терговчилар ва айбланувчи бир хил сўзлашини тасаввур қилишга судни ишонтирмоқчи бўлишдимикин... (Бу ўринда ишга бошқа яна қандай сохта ёзувлар киритилганлигини аввалги мақоладан эсланг.)

Сурхондарё вилояти ИИБ ТБ терговчиси Ҳ.Бойтўраев 2004 йил 30 январь куни жиноят ишини ўз иш юритувига олиб, дастлабки терговга киритиш тўғрисида қарор чиқарган. Аммо А.Исмоилов ва Б.Саматовлар 2004 йил 2 февраль куни ҳам бу ишни ўз иш юритувида дея эътироф этиб, тегишлилик юзасидан бири қарор чиқариб, иккинчиси тасдиқлаб иш юритишган. Бунинг устига А.Исмоилов ҳатто 12 февралда ҳам баъзи идораларга иш юзасидан сўровномалар йўллаган.

Бу нима, шу ишга нисбатан "садоқат"ми ёки алоҳида "қизиқиш"ми? Бундан ташқари, ишдаги муҳим процессуал жараёнда "Терговчи — Ҳ.Бойтўраев" деган жойда терговчининг имзоси ҳам йўқ, жараённинг қаерда ўтганлиги ҳам қайд этилмаган. Б.Саматовнинг мазкур жиноят иши судга юборилмасдан туриб, Исмоилов Эркинни Денов тумани суди ихтиёрида деб, расмий ҳужжатга сохта маълумот киритишига нима дейсиз?

Жиноят ишини қайта тергов қилган Ф.Қурбонов эса процессуал ҳужжатларни қалбакилаштириш бирон бир оқибатни келтириб чиқармаган, дея аввалги суд фикрини рад этади. Ф.Қурбонов терговчи вазифаси масъулиятидан туриб бир саволга жавоб беришини истардик: бунда ҳужжатларни қалбакилаштириш нима мақсадда амалга оширилди? Қалбаки ҳужжат орқали Э.Исмоиловни ҳимоядан маҳрум қилишни нима деб баҳолаш мумкин унда? Бўлмаса кейинги суднинг мана бу хулосаси нега қайд этилди: **"Дастлабки тергов жараёнида процессуал ҳужжатларга сохта маълумотлар киритилиши ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини жиддий бузилишига йўл қўйилиши, айбланувчининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказилиши, деб баҳоланмоғи лозим".**

Ҳа, худди шундай. Бу қалбакилаштиришлар оқибатида ҳар қандай айбсиз одамни ҳам айбдор қилиш имконияти юзага келади. Ахир айбланувчининг ҳуқуқлари озгина бузилдими? Бунинг устига Э.Исмоилов айбни унинг бўйнига қўйилиши учун ўзига жисмоний тазйиқ ўтказилганлиги ҳақида тинмай гапириб келаяпти, ҳатто бу ўринда уни ушлаш жараёни ҳақида турли, айни пайтда уни ушлаган ва тергов қилганлар қайд этган ҳолатга қарши гувоҳлик кўрсатмалари бор. Уни ушлашда қатнашганларнинг кўрсатмалари ҳар хил чиқиб қолаяпти. Нега бу қайта терговда ойдинлашмади? Ахир Э.Исмоиловнинг ўзи ва ҳимоячиси бу ҳолатларни айтиб чарчашди-ку! Нега суд эшитади бу гапларни, терговчи эшитмайди? Ишни қайта терговга қайтаришдан мақсад нима эди? Сиз эса қайта терговда ҳамкасблар ҳимоясидан бошқа нарсани ўзингизга эп кўрмабсиз, ўртоқ Ф.Қурбонов.

Энг қизиғи, тергов ходимлари суддан кейин судда ўзига қарши гувоҳлик кўрсатмаси берган фуқародан ўзларининг фойдасига, яъни судга қарши, ўзининг судда берган кўрсатмасига қарши "тушунтириш хати" олишиб, судда ишга қўшибди. Нега суддан кейин? Фуқаро суд залидаги қонуний жараёнда кўрсатма берди, бу "тушунтириш хати"ни эса у қай ҳолда, қаерда, қачон берди? Бу номаълум.

Яна қизиғи шундаки, бу "тушунтириш хати"да номаълум одам савол беради, гувоҳ жавоб қайтаради. Бу нима ўзи? Терговми? Унда нега терговчининг номи йўқ? Қаерда, қачон бўлди бу аноним жараён? Қаранг, ички ишлар ва прокуратура бундай, яъни ўз ҳимоясига қаратилган ноқонуний жараёнларни амалга оширади, лекин масалага айнан алоқадор, айни пайтда ўзларига қарши ҳужжатларни ишга қўшишмайди...

Масалан, Эркиннинг отаси туман прокуратурасига "Илтимоснома" ёзиб, унда тергов жараёнида бўлаётган сохтакорликлар, ҳақсизликлар ҳақида хабар бериб, Б.Саматовнинг ҳам сўроқ қилинишини сўрайди. Прокурор уни Ф.Қурбоновга "Ўрганиб, таклиф киритинг" деган ёзув билан топширди. Ф.Қурбоновнинг бу ҳужжатни қандай ўргангани маълум. Аммо бу "Илтимоснома" ҳеч бўлмаса ишга қўшилмади. Б.Саматов суднинг бир неча бор чақируви бор бўлса-да, суд йиғилишига келмади.

— Дастлабки тергов давомида терговчилар Э.Исмоиловни ҳимоячисиз тергов қилиб ва бу ҳолатни яшириш учун турли сохтакорликларни амалга оширган эдилар. Қайта тергов давомида ҳам бу каби уринишлар бўлмаган, деб ким айта олади? Айбланувчининг ҳимоячиси Р.Ҳайитовга терговда қатнашиш учун юборилган хатда турли хил чалкашликлар бор, — дейди Э.Исмоиловнинг отаси (айни пайтда унинг ҳимоячиси) Н.Исмоилов. — Масалан, бу хатларнинг ҳар иккиси конвертида почта томонидан 4 сентябрь числоси қўйилган. Аммо унинг ичидаги хатларнинг бирида 6 число қўйилган. Терговчи Ж.Козимов Эркинни сўроқ қилиш учун 6 сентябрда ҳибсхонадан олиб чиққан. Ҳимоячи хатни 11 числода олаяпти. Менда бу хатлар 4 числода жўнатилмаган, деган гумон бор. Иккинчидан, 4-числода жўнатилган тақдирда ҳам ҳимоячи терговда қатнашиш ҳақидаги хатни қачон олганлиги муҳим-ку? Терговчида ҳимоячи хатни олганлигини тасдиқловчи далил бўлмаса, ҳимоячига ҳали ҳимоя қилиш учун ордер ёзилмаган бўлса, Ж.Козимов ҳибсхонадан Эркинни терговга нега олиб чиқди? Хатлар Эркинни ҳимоядан маҳрум қилишга қаратилган эмасми? Аслида ҳимоячига хабар етказиш жуда осон — у прокуратура жойлашган манзилга жуда яқин туради. Бу жиноят иши бўйича шунга ўхшаш жумбоқларни ўйлаб бошингиз қотиб кетади. Лекин уларнинг ҳаммаси ўғлимнинг қандай бўлмасин айбдор қилиб чиқаришга қаратилганлигини сезиш мумкин.

Кимдадир бу мақолани ўқиб, бир мавзуга яна қайтиш шартмиди, деган эътироз пайдо бўлар. Қандай қилиб қайтмаслик мумкинки вилоят суди чиқарган Ажрим ички ишлар ва прокуратуранинг баъзи ходимлари томонидан асоссиз рад этилса, бир инсон ўзига эълон қилинган айбни тан олмай турган тақдирда улар айбдор ёки айбсиз деган хулосани қонуний ҳал қилишга йил давомида ожиз бўлиб келаётган бўлса, фақат айбдорлик нуқтаи назарини олга суриб, бу йўлда сохтакорликни давом эттиришаётган бўлса...

Хуллас, гапирсангиз гап кўп. Ҳар доим ҳам охирги хулосани айтиш ҳуқуқига суд эга бўлади. (Юқорида номлари саналганлар ҳатто буни ҳам тан олгиси келмайди. Йўқса, дастлабки суд кўрсатмаларини бажаришган бўларди.) Бу иш яна судга қайтадими? Унда суднинг хулосаси қандай бўлади? Буни кутишга тўғри келади. Аммо бу ўтаётган вақтда кимнингдир умри қамоқда ўтаяпти, унинг ортида оила аъзолари азоб чекаяпти. Ҳозирча эса иккинчи судга раислик қилган жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди судьяси М.Маманов имзолаган хулоса билан биз ҳам муроса қиламиз: **"...номлари юқорида кўрсатиб ўтилган ходимлар Исмоилов Эркинга нисбатан ўта оғир жиноятни содир этаётганликда айб эълон қилаётган бўлсаларда, улар томонидан бир инсоннинг тақдирини ҳал қилиши мумкин бўлган процессуал ҳужжатларга сохтакорликлар киритилиб, мансаб сохтакорлигига йўл қўйилган".**

"Mahalla" таҳририяти

Сурхондарё вилояти

Тоғлик муштарийдан мактуб

Сариосиё туманининг тоғ бағирларида мевали дарахтзорлар қатор ва қатор. Ёз ойлари, айни пишиқчилик палласи ўрмон неъматларга тўлиб кетади, дарахтларнинг пойи шохлари кўтара олмай тўкилган неъматлардан оёқ босишга жой ҳам қолмайди. Тўкин-сочинлик, бағрикенг табиатдан бир ҳадядир.

НЕЪМАТ БОРУ, ДЎКОН ЙЎҚ...

Мен 30 йилдан буён Шаргун шаҳрида истиқомат қилиб келмоқдаман. Халқимизнинг табиатни асрашга бўлган муносабати йилдан-йилга яхшиланиб, ўрмонзорларимиз эса кенгайтирилаётир. Биламанки, туманимиз Сариосиёнинг Сангардак, Хонжиза, Нилу, Миланди, Хардури, Хуфар, Зевар, Кундаю жувоз, Шаргун каби тоғлари бағрида ўрмонлар жуда кўп. Улар тоғ неъматлари: писта, бодом, ёнғоқ каби бошқа доривор ўсимликларга жуда бой. Лекин мени кўпдан буён бир савол ўйлантиради: Сариосиёнинг бирон-бир жойида тоғ неъматлари сотиладиган дўкон борми? Йўқ, албатта. Сариосиё ёки Шаргун бозорларига борсангиз ёнғоқ, писта, бодомларнинг нархи осмонда. Ўрмонзорларимизда эса баъзан бу неъматларнинг тўкилиб-сочилиб ётганини кўриб ачиниб кетаман. Оддий ўрикни олсак. Ёз ойларида ўрик ниҳоятда сероб бўлади. Ўрмон хўжалиги ходимлари ўрик, олча ва бошқа шу каби меваларни териб, қуритиб, қиш ойларида шаҳарликларга тортиқ этсалар бўлмайдими? Баҳор кунлари равоч, ифар ва бошқа тоғ ўсимликларини бозорларда учратиб қоласиз. Нега Сариосиё тумани марказида ёки Шаргун шаҳар марказида дўконлар очиб, бундай неъматларни савдога чиқариш мумкин эмас? Ахир бунинг халқимиз саломатлиги учун ҳам аҳамияти катта.

Сариосиё ўрмонлари, тоғлари турли-туман ўсимликларга ниҳоятда бой. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида бозорларимизни четдан келган моллар ҳисобига эмас, ўзимиз етиштирган ноз-неъматлар ҳисобига бойитсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Менимча, бунинг учун озгина эътибор ва уддабуронлик талаб этилади, холос.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар...

ЎҚЛОВ ЎҚТАЛГАН ЖИГАРБАНДЛАР

Кимга? Бир-бирига! Улар ҳовли, буюм талашиб, энг оддий ва муқаддас инсоний туйғулардан юз ўгирмоқдалар.

...Таҳририятга Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Гўзалкент маҳалласидаги Қайирма қишлоғида яшовчи Ойдин Бойқувватовадан кетма-кет шикоят хатлари келмоқда. Етмиш ёшдан ошган бу онахон ўзи яшаб турган ҳовли-жойдан ўғли Убайдулла Бойқувватов ва келини Банот Искандароваларни чиқариб юборишда таҳририятдан кўмак сўрайди.

(Шу ўринда онахонни кап-катта ойланинг бошлиғи бўлган ўғлига, унинг фарзандларига бемеҳрликда айблашга шошилманг.) Онахоннинг ёзишича, турмуш ўртоғи Қурбон ота бундан 32 йил олдин вафот этган. Ўғли Убайдуллани ва яна уч қизини у ёлғизликда катта қилган. 1974 йилда ўғли уйланади. Келини ҳам бегона эмас, қайноғанинг қизи бўлади. Тўйдан беш-олти ой ўтар ўтмас, ёш оила бўлак ҳовли-жой қилиб, мустақил яшай бошлайди. Она уч қизни ҳам бирин-кетин турмушга беради. Бу орада ўғил билан келин ота ҳовлидан ҳам ўзлари учун уч хоналик уй солишади, уларга она ва сингиллар ҳам қарашишади. Убайдулланинг тўрт фарзанди бўлиб, алоҳида ҳовлида яшаса-да, ота ҳовлидаги уй-жойдан ҳам ора-чора хабарлашиб туради. Шу орада кенжа қизнинг оиласи бузилиб, бир фарзанди билан онасининг рўзғорига қайтади. Бу пайтга келиб анча ўзини олдириб қўйган онахонни эплаганича парваришлай бошлайди. Худди шунда 30 йилга яқин онадан бўлак яшаган ўғил ва келин ота ҳовлига бутунлай қайтиш тараддудига тушадилар. Кўчиб келишади ҳам. Шундан бошлаб кўп кишилик катта ойланинг тинчлигига путур етади, ўғилу келин бир тараф, она ва қизлар бир тараф бўлиб, отадан қолган ҳовлининг жанжалини бошлайдилар. Можаролар жанжалга, жанжаллар муштлашувга айланади. Янгаю қайнсингилларнинг соч юлишиб, бир-бирларини ўқлову кетмондаста билан "қуролланиб" дўппослашларини бир тасаввур қилинг-а. Нақадар аянчли ҳолат бу! Можаро судгача етади. Суд қарорининг нусхасини ўқиб, бу ҳолатни тассаввур қилишимиз қийин бўлмади. Бу ҳужжатда баён қилинишича, Қурбонова Мехри, Бойқувватова Гулдона ва Бойқувватова Ойтула (уч опа-сингил) Искандарова Банот (келин) бир-бирларини жисмларини ҳам, ор-номусларини ҳам аямасдан муштлашадилар. Суд уларни ҳуқуқбузар деб топиб, ҳар бирига жарима солиб, жазолаган ҳам экан. Буни қарангки, Бойқувватовлар можароси яна бир суд ишига сабаб бўлиб, унда ҳам онахоннинг ўғли ва келинини ҳовлидан кўчириш тўғрисидаги даъвоси кўриб чиқилади. Суднинг қарор қисмида айнан шундай ёзилган: "...Жавобгарлар Бойқувватов Убайдулла ва Искандарова Банотларни оила аъзолари билан... Қаерма қишлоғидаги марҳум Бойқувватов Қурбонбойнинг номида бўлган уй-жойдан кўчириш қисми рад этилсин. Жавобгарлар томонидан ишлатиб юборилган 8 дона страпила (дручкадан бўлган), 33 дона шифер, 64 метр узунликдаги ёғоч рейкалар Бойқувватова Ойдинга натура шаклида ундириб берилсин..."

Ажабо, наҳотки етмишдан ошган она билан тўрт фарзандли кап-катта ўғил ўртасида шундай "олди-берди"лар бўлиши мумкин? Тўғри, бу ҳовлининг тўрт девори орасида нима воқелар, қандай гап-сўзлар ўтгани Яратганга маълум. Лекин бир қария онаизорнинг ўз жигарбанди билан шиферу рейка талашиб судлашганидан онанинг ўғилдан кўнгли қаттиқ оғриган, ихлоси сўнган, деган хулосага келиш мумкин. Бордию ўғил ўзини муносиб тарзда тутган бўлса, у ҳолда онанинг бундай феъли...

Ҳар қалай она ўз мактубида "Ўттиз йилдан буён ўғлимдан рўшнолик кўрмадим, келиним бирон хизматимга ярамади, энди қариган чоғимда тинчгина яшашга ҳам қўймаяпти булар. Ахир шу ҳовлидан бошқаям уй-жойи бор-ку, тинчгина яшамагач, мени холи қўйишсин-да..." дея ўғлию келинидан ҳасрат қилади.

Хўш, таҳририят бу ўринда нимага қодир? Биз бу оиладаги можароли вазиятга эътибор қаратишларини ва имкони топилса томонларни келиштириш чораларини кўришни сўраб онахоннинг шикоят хатини Пастдарғом тумани ҳокими эътиборига ҳавола қилгандик...

Яқинда мурожаатимизга туман ҳокими имзоси билан жавоб ҳам олдик. Унда туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, Гўзалкент маҳалласи йиғини раиси, маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раисларининг Бойқувватовлар хонадонида бўлиб, ҳар икки тараф инсофга чақирилгани, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида маълумот берилиб, тушунтириш хатлари олингани ҳақида ёзилганди. Хатда маълум қилинишича, бу оила аъзоларини муросага келтиришнинг иложи бўлмаяпти. Бу масала ҳатто судда кўрилгач ҳам, можаролар давом этмоқда.

Буни қарангки, жавоб хати билан изма-из таҳририят почта қутисига яна бир шикоят мактуби келиб тушди. Унга яна Ойдин Бойқувватова имзо чекканди. Онахон бу сафар мурожаатларим натижасиз қолмоқда, дея таҳририятдан ҳам гина қилади. Бу пайтгача онахон ўғлининг оиласини кўчириб юбориш ҳақидаги даъво билан икки марта судга мурожаат қилибди, лекин даъвоси қондирилмабди. Онахон энди ўғли ва келинидан аввалгидан ҳам кучлироқ ёзғирмоқда: "30 йилдан бери ҳеч қандай ишимга қўл солишмаган, касал ҳолимда сўрамаган, энди ўз уйимни талашиб мени холи-жонимга қўймаяпти... Ҳатто ўз оғилхонамга молимни боғлатгани қўймайди улар... "

Тўғриси, бу ўринда можарога манави киши айбдор, дея узил-кесил хулоса ясаш қийин. Ахир, онаю ўғил бир уюм тахтани суд орқали талашиб турса, уч опа-сингил янгаси билан ўқлов солиб соч юлишса, оиладаги ягона эркак Убайдулла эса аёлларнинг бировига ўғил, бировга ака, бировига эр бўлгани ҳолда уларни келиштиришга, эркакчасига бир оғиз қатъий сўз айтиб, тўполонларга чек қўйишга ярамай турганда "Ё, тавба!" дея ёқа ушлашдан бошқа қандай хулоса ясаш мумкин? Ҳар нима бўлганда ҳам инсоний муносабатлар нуқтаи назаридан қарагандa, бир оила аъзоларига бу каби машмашаларнинг қаҳрамони бўлиш жуда ножоиз. Ҳозирча эса Бойқувватовлар оиласининг барча аъзоларига инсоф тилаб қолишдан ўзга чорамиз йўққа ўхшайди.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Олам турфа

МАЖБУРАН ЮВИНТИРИШДИ

Шифокорларнинг таъкидлашларига кўра, киши икки ҳафта давомида ювинмаса, унинг озодалик даври тугаркан.

Албатта, кениялик ҳунарманд Визхельднинг бундан хабари бўлмаган, акс ҳолда у уч йил ювинмасдан юрармиди? Унинг дўстлари бу ҳолга ортиқ тоқат қилишолмади. Ахир ундан "антиқа ҳидлар" таралар эди-да. Шундай қилиб Визхельд мажбуран ювинтирилди. Сўнгра дўстлари сартарошхонага бошлаб боришди. Кийим-кечаклари ўтда ёндирилди. Етказилган моддий зарар қоплаш мақсадида дўстлари унга янги шим ва кўйлак ҳадя этишди, ҳамда яқин орадаги барда пиво билан меҳмон қилишди.

ИХТИЁРИЙ РОБИНЗОН

Мюнхенлик совиқ автомуҳандис Фридрих Текстор яккa ўзи Жанубий Хитой денгизидаги кичиккина оролчада яшайди.

Автомуҳандис Даниэл Дефонинг қаҳрамонидан фарқли ўлароқ бу инсон қадами етмаган оролда ўз ихтиёри билан яшамоқда. Унинг бундай қарорга келишининг сабаби замонавий цивилизациядан ихлоси қайтганлигидир.

Катта ва шовқин-суронли шаҳарда мунтазам пулнинг кетидан қувиш Тексторнинг жонига теккан. Унинг томчилаб турган сабр косасини навбатдаги квартира ҳақининг оширилиши тошириб юборган. Текстор бор-йўғини сотиб пул қилган ва жанубий денгизлар сари йўл олган. У Филиппин архипелагидаги пальмалар билан қопланган унча катта бўлмаган Тамлагун оролини севиб қолган. Бу орол Катта Палаван оролидан 5 километр узоқликдадир.

Узоқ давом этган тортишувлардан сўнг Текстор бу оролни 99 йилга 6000 марка тўлаб сотиб олган. У ҒФРда бир йилда квартирага шунча пул тўларди.

Робинзон-Текстор бамбукдан ясалган ҳужрада яшайди. Унга унча кийим-кечакнинг ҳам кераги йўқ, чунки бу ерда ҳарорат ҳеч қачон Цельсий бўйича 22 даражадан пастга тушмайди. Тесторнинг 5 квадрат километр бўлган "шоҳлиги"да қўқатлар ва табиат эҳсонлари йил бўйи етилиб ётади.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

ЭҲТИЁТКОРЛИК ШАРТ!

Одатда корхона ва ташкилотларда фавқулодда вазиятларга қарши турли воситалар шай ҳолатга келтириб қўйилади. Бироқ, ана шундай кутилмаган ҳодисалар маҳаллаларда юз берганда қандай чора—тадбирлар кўрилади?

Ҳаётда ҳар қандай кўнгилсизлик юз бериши мумкин. Бироқ инсоният барча фавқулодда ҳодисаларга қарши чораларни топиб улгурган. Хусусан, сув тошиши, ёнғин содир бўлиши, ер силкиниши ва ҳоказоларга қарши тадбирлар шулар жумласидандир.

Бу масалага маҳалла миқёсида қараладиган бўлса, бундай вазиятдан талофатсиз чиқиш ва оқилона иш кўриш кўпроқ ҳудуд оқсоқоли ва аҳолининг билими ҳамда маҳоратига боғлиқ.

— Ҳеч кимга сир эмаски, маҳалла кенг қамровли маскан, — дейди Зангиота туманидаги Иттифоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Йўлдош Файзиев.— Бу борада имкониятлар кенг. Ҳар қандай вазиятда ҳам зарур чораларни белгилаш учун шарт—шароитлар етарли.

Хусусан, бизнинг маҳаллада фавқулодда ҳолат рўй берса, унга қарши курашиш учун барча воситаларни ҳозирлаб қўйганмиз. Одамлар кўп йиғиладиган жойларда, хусусан, чойхона, маҳалла фуқаролар йиғини биноси ва бошқа гавжум ерларда ёнғинга қарши кураш бурчагини ташкил этганмиз. Ушбу бурчак барча зарур воситалар билан тўла таъминланган. Бундан ташқари ёнғин хавфсизлиги, фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бугун маҳалламизда истиқомат қилаётган барча фуқароларимиз фавқулодда вазиятлар нима эканлиги ва унга қарши курашишда аҳамият берилиши лозим бўлган жиҳатларни жуда яхши биладилар. Масалан, бирон хонадонда ёнғин чиқса, бундай пайтда аввало электр токи ҳамда газ тармоқлари узиб ташланади, — дейди фуқаро Салим Аҳмаджонов. — Ундан сўнг ёнғин ҳавфсизлиги ходимлари хабардор этилади ва тез ёнувчан жиҳоз ҳамда буюмлар уй ичи ва ёнғин содир бўлаётган ҳудуддан олиб чиқилади.

— Маҳаллада энг кўп юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар бу албатта кундалик турмушимиздаги турли вазиятлардир,— сўзида давом этади оқсоқол. — Айтайлик, бирон хонадон электр тармоғида қисқа туташув содир бўлди. Бундай пайтда маҳалламизда махсус бириктирилган электр усталари бор, улар зудлик билан хавфнинг олдини оладилар. Ёки газ тармоғида носозлик юз берди. Бундай пайтда ҳам ана шундай бириктирилган мутахассислар ёрдамга келадилар.

Яқин кунларда бошқа бир ташаббусни режалаштириб турибмиз. Тегишли ташкилотлар билан биргаликда маҳалламизда жамоатчилик асосида ёшлардан иборат тезкор гуруҳ тузмоқчимиз, улар учун барча шароитларни яратиб бермоқчимиз. Агар ана шу режамизни амалга ошира олсак, маҳалламизда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай фавқулодда вазиятнинг олдини олган бўламиз.

Маҳмуд ИЛҲОМОВ,
Тошкент Молия институти доценти.
Шерзод МИРКОМИЛОВ,
Дилшод МАВЛОНОВ,
Азиз ЮСУПОВ, талабалар.

Қорақалпоғистон Республикаси

ЭЛЛИККҚАЛЪАНИНГ МУҲТАШАМ ИМОРАТЛАРИ

"Элликқалъа деҳқонқурилиши" ҳиссадорлик жамияти жамоаси учун Сиҳат-саломатлик йили катта бир хушхабар билан бошланди. Яъни, жамиятнинг махсус бригадалари Бўстон шаҳридаги Элликқалъа тиббиёт коллежи учун 600 нафар талабага мўлжалланган, барча қулайликларга эга ўқув корпусини муддатидан анча илгари фойдаланишга топширди.

Энди эса талабалар учун 400 ўринли ётоқхона бунёд этишни жадал суръатлар билан бошлаш жамоанинг режаларидан биридир.

Элликқалъа овулларида тиббий хизмат кўрсатиш ва мактабгача тарбия муассасалари — Амиржон, Тупроққалъа, Оқчакўл овулларида 3 қишлоқ врачлик пунктлари, 2 болалар боғчалари қурилиб, иш бошлаган эди. Эндиликда эса яна 3 қишлоқ врачлик пунктлари, болалар боғчалари қурилиши ҳам назарда тутилган.

Мазкур иншоотлар қурилишида фуқаролар йиғинлари фаоллик кўрсатмоқдалар.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири,

— Яна нима дейди?

— Овулларимиз обод бўлаяпти, — дейди.

МАРДЛИК ВА ЖАСУРЛИК ОСТОНАСИДА

Юртимизда маълум бир ихтисослик, касб-ҳунар йўналиши бўйича таълим берувчи мактаб ва лицейлар, коллежлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Асосийси, бугун ана шу таълим масканларида ўқитишнинг самарали тизими яратилган. Синф-хоналар, таълим жараёни замонавий техник қурилмалар билан бойитилган.

Пойтахтимизда жойлашган Республика ҳарбий-профессионал йўналишдаги лицейда ҳам ана шундай қулайликлар мавжуд. Бу ерда таҳсил олаётган ўқувчиларга мактаб дастури доирасидаги фанлар билан бир қаторда ҳарбий йўналишда ҳам чуқур билим берилади.

СУРАТДА: лицейдаги ўқув жараёнидан лавҳалар.
Р.ГАЛИЕВ олган сурат

Журьатли ҳамкишлоқлар

Навоий вилояти

ШЎРТЕПА "ГУЛДАСТА"СИ

Агар олга сурилган ана шу ғоя, ташаббус эл-юрт учун фойдали бўлса, одамлар корига яраса, уни ҳамма қўллаб-қувватлайди.Яна шуниси қизиқки, янгилик ёки ғоя туғилишига кўпинча қандайдир туртки сабаб бўлади.

Ҳар бир ғоя, ҳар бир янгиликнинг ўз ташаббускори, жонкуяри, яратувчиси бўлиши табиий.

Бу гал ҳам шундай бўлди: бундан олти йил муқаддам Конимех туманидаги Шўртепа маҳалласида ўтказилган Наврўз байрамига маълум сабабларга кўра чақирилган санъаткорлар келишмай қолишди. Бу ҳолдан маҳалла боғида байрамни нишонлаш учун тўпланган одамларнинг кайфияти хира бўлади. Эллик ёшни қоралаб қўйган бўлишига қарамай, 5-10 та миллий халқ қўшиқлари ва лапарларини кичикроқ давраларда хониш қилиб тингловчиларнинг олқишига сазовор бўлиб юрган Сафаргул ая бу ҳолни кўриб хотиржам ўтиролмайди. Бунинг устига аянинг истеъдодидан яхши хабардор бўлган шогирд ва дугоналари:

—Аяжон, байрам даврасини ўзингиз қизитмасангиз бўлмайдиганга ўхшаб қолди,—деб қистовга олишади.

Шундай қилиб катта-кичик тўй ва давраларда ашула айтиб юрадиган Юлусжон деган йигит торда, Сафаргул ая доирада совий бошлаган даврага файз киритадилар. Уларга бир гуруҳ ёшлар жўр бўладилар.

Ўша куни Сафаргул аяда ажойиб бир фикр туғилади: "Маҳалламизда шунча иқтидорли қизлар, йигитлар, аёллар бор бўлса-ю, биз бўлсак бир кунлик байрамни деб санъаткорларни излаб юрсак..."

Аянинг маҳаллада фольклор ансамбли тузиш тўғрисидаги фикри барчага маъқул тушади.Шу тариқа 1998 йилда Шўртепа маҳалласида Сафаргул аянинг ташаббуси билан "Гулдаста" фольклор ансамбли ташкил этилади.

— Дастлабки пайтларда ансамблда олти киши эдик, ҳозирга келиб унинг аъзолари сони 12 тага етди,—дейди ансамбл ташкилотчиларидан бири, унинг фаол аъзоси, Шўртепа маҳалласи фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нигора Абдураҳмонова.— Юлусжон Бозоров раҳбарлик қилаётган гуруҳимизга Ҳ.Олимжон номли ширкат хўжалигининг раиси Нурлан Давлетбоев ҳомийлик қилмоқда. Репертуаримиз хилма-хил. Ундан ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, тожик ва рус халқ қўшиқлари ва лапарлари жой олган. Эришган ютуқларимизга келсак, 2003 йилда туманда ўтказилган "Аёл борки, олам мунаввар" танловида ансамблимиз аъзоларидан Гулнора Абдураҳмонова, ўша йили ўтказилган "Алла" қўшиқлар танловида Нигора Абдураҳмоновалар 1-ўринни эгаллаган бўлсалар, 2004 йилда ўтказилган "Ўзбекистон—Ватаним маним" қўшиқлар танловида Муслима Нуримбетова танловнинг вилоят босқичида 2-ўринга, Сафаргул ая Жумаева эса вилоят миқёсида ўтказилган "Чеварлар чевари" танловларида фахрли ўринларга сазовор бўлган.

Айни пайтда Шўртепанинг "Гулдаста"си маҳаллада ўтказиладиган барча байрамларга файз киритмоқдалар.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!

Унутмангки, «Mahalla»га обуна бўлишга асло кечикмадингиз. Шу бугуноқ газетамизга обуна бўлсангиз, йилнинг қолган қисмида ҳам «Mahalla» ҳамроҳингиз бўлади.

Мавжли қалб

Абдуғани СУЛАЙМОН

БАХТИНГ ҚАЙТАР

Юз ўгирса омад ногаҳон,
Умид узма, чекмагил фиғон.
Ғам шодликка айланар бир кун,
Излайверсанг чораю имкон.

Ҳақ ноумид қилмас ҳеч қачон,
Тангликка тан бермагил, инсон.
Тун зулмати тонгга уланар,
Азал шундай яралган жаҳон.

ИККИ БОЙЛИК

Мўътабардир икки нарса
Бири — Ватан, бири — она.
Она оқ сут билан боқса,
Ватан қўрғон ва бошпана.

Улар борки умр кўркам,
Ҳар ким муштоқ туҳфасига.
Она эса манглай тердан,
Етиштирар ризқ-насиба.

Улар борки умр кўркам,
Иккиси ҳам толмас қанот.
Меҳри ила ор мустаҳкам,
Фахру ғурур — о'таш баёт.

Тақдир экан тушиб айро,
Ўзга юртга кетдик ночор.
Умид яшар то бор дунё,
Толе албат бўлғуси ёр.

Ҳовлидаги анҳор ичра
Ирғиганмиз писанд қилмай.
Чўлларарo кезиб ташна,
Қақшаганмиз сув тополмай.

Эркалатса икки она,
Дунё бахтга чўмар, илло.
Яхшиларни биз одатда,
Айлагаймиз сўнг тавалло.

ВАТАН СОҒИНЧИ

Ватан мени соғинчга қўйган,
Юртлар кезиб юрибман ўзим.
Дема мени Ватандан тўйган,
Боисидир қатағон — тузум.

Бағрим қониб етмаган меҳрим,
Қилиб ташна эслатар сени.
Кўплар билмас соғинчнинг сеҳрин,
Кўрмай ҳижрат айтсин-чи, қани?

Ижарага олган юртларда.
Кўчамиз деб кутиб ётамиз.
Тақдир саҳро, ёнар ўтларда,
Ўтиб диёр сенга етамиз.

Кечаги кун кузатувлари

РЎМОЛЧАНГ ҚАНИ, ҚИЗГИНА?..

...Тошбиби янгамнинг Ислом амакимга келин бўлиб тушганига қирқ йилча бўлиб қолди. Асли ота томонидан узоқроқ қариндош бўлган Жўйрабод қишлоғилик Тилло Бовоникига "қулоғи тишланган" келин учун биринчи бор дастурхон олиб борганимизда мен 7 ёшда эдим. Совчи бувим (онамнинг онаси) кеч чоғи мени ўзига ҳамроҳ қилиб олиб борди. Катталар ярим оқшомгача гурунг қилишди. Айниқса бувим билан Нуқра бувининг (келиннинг онаси) гапи қовушди. Мен эса супа томон деразадан бўлажак янгамиз имлаб чақираётганлигини кўриб қолдим...

Чиқишимга суҳбати қўр еган кампирлар эътибор ҳам беришмади. Тошбиби опани илгаридан танисамда сал ийманиброқ кўришдик. Суҳбатимиз исмимни сўраш билан бошланди, сўнг бўлажак янгам ийманибгина "Амакингиз ҳам сиздек чиройлими?" деб сўради.

— Амаким мендан ҳам чиройли, — дедим.

У мулойим жилмайди. Соддагина суҳбат қурдик. Амаким ҳақида "тузоқли" саволларга "илинмадим". Бўлажак янгамнинг ҳурматини қозондим, шекилли, "сиз-сиз"лаб гирдикапалак бўлди. Эрталаб иккита кашталик рўмолчани секингина қоғозга ўраб қўлимга тутди. Бири чоғроққина, чеккасида баргга ўхшаш гули бор. Иккинчиси чор атрофи қуюқ каштадан чамбарак ҳошия қилиб тикилган. Ипакда икки сатр ёзув ҳам битилган.

— Кичиги сизга, бунисини амакингизга беринг, — деди у юзлари дув қизариб. Рўмолчалардан атир ҳиди анқиб турарди.

Эсимда, амаким ўзига аталган рўмолчани ҳидлаб-ҳидлаб чўнтагига солиб қўйганди ўшанда. Завқ-шавқи чехрасидан сезилиб турарди. Менинг рўмолчамни онам кўриб севинганди. Рўмолча бериш келинга фазилат, рўмолча олганга иззат экан, кейин билсам.

Онамнинг бўғчасида ҳозир ҳам увадаси чиққан бир серкашта узун қўл сочиқ бор. У яқин ўн йилларгача уйимизнинг қуйи деворига осиғлик турарди. Унга каштадан тикиб жило берилган манзара ҳам анчагина маъноли эди. Шарҳи шундай: Барқ уриб яшнаб турган гулзорга қанот силкитмай, ҳаволаниб қўнаётган булбул тумшуғида қисқартирилган хатни пастга олиб тушмоқда. У яхшилик хати, ҳурмат, иззат хати. Хат жилт юзига "Ш.дан Д.га эсдалик" деб ёзилган.

Билишимча, онам келин бўлиб тушган Қаравулон қишлоғилик бўй қиз Шафоат опа онамнинг тўнғичига, қишлоқнинг эрка боласига совға тариқасида тикиб берган экан. Ҳозир Шафоат опа набиралик. У кишини аҳён-аҳёнда кўриб қоламан. У менга ҳамон ўша барқ урган гулзор ва тумшуғида хат тишлаган булбул рамзи акс этган чаманзордек иссиқ, истарали туюлади.

Уни кўрганимни эшитган онамнинг оғзидан бол томади. Ёзда бир шуникига бораман, дейдилар ҳар гал ният қилиб. Албатта, кашталик сочиқдан гап очилади. "Ўша пайтдаги қишлоғимиз қизларининг ҳиди бор эди", дейди онам ростмана ҳис туйиб.

Дарҳақиқат, ўша йилларда Қаравулон қишлоғидан ўнга яқин қиз баб-баробар бир вақтда бўйи етди. Турли жойлардан совчилар келиб бир-икки ойда барисининг боши бойланди. Шунда қизлар тикилган сочиғи, тикилган рўмолчаси камроқ қизларга ҳашарга ўтишди. Бир-иккитадан сочиқ, тўрт-бештадан рўмолчалар тикиб тўйи олдин ўтадиган дугоналарининг келинлик торини тўкис бўлишини таъминлагандилар.

Яна бир воқеа ёдимда қолган. Унда ўрта мактабнинг юқори синфида ўқирдим. Дарсдан сўнг тенгдошларим билан далага чиқиб ишлардик. Кимдир янги гап топиб келди. Бу кеча қўшни қишлоқлик фалончи қизнинг жавобини беришар эмиш.

— Кимга? — дейишди бўй қизлар баб-бараварига. У қишлоғимиз олд йигитларидан бирининг номини айтди. Орамиздан у йигитга дил кетди бўлиб юрган қиз бор эди. Аммо йигитнинг ота-онаси қариндошлик борди-келдисини узайтириш, мустаҳкамлаш учун шундай йўл тутаётган эдилар. Тутинган опамнинг кўзлари намланди. Тикаётган рўмолчасини буклаб этигининг қўнжига тикди. Икки дона кўк рангли нафис мўлина ипагини дугонасига берди. "Сени ишларинг юришиб турсин, дугон. Кўк ипак билан унга бағишлаб икки сатр байт тикмоқчи эдим"... У оғиз очиб сўз айтмасдан шу тобда бечоранинг юраги чил-чил бўлганини ҳаммамиз англадик. Йигит ота-она измига тушди, опамнинг рўмолчасидаги кашта чала қолиб кетди.

Бўй етган қизлар чамбаракли ҳошияларда ўз севгисини, муҳаббатини жилвагар нақшлар билан ўраб "ўзиники" қиларди. Гард юқтирмайгина томоша қилардик. Эгасига насиб қилсин дерди, оилалик келинчаклар мақтовини келиштириб.

Ҳозир кашталик сочиқ, рўмолча тикиш удумлари қишлоқ қизлари орасида ҳам деярли йўқолиб кетди. Гап очсангиз "магазин тўла рўмолча" дейишади. Севгини эса рўмолчасиз... бемалол сўз билан йигитнинг ўзига изҳор қилаверишади. Бурҳон атторнинг рангли ипак мўлиналар келтиришини ҳеч ким термулиб кутмайди.

Дилмурод ЖАББОР

Хоразм вилояти

"ФЕРУЗ"ДА ЯНГРАГАН НАВОЛАР

Хива шаҳри марказида қад ростлаган янги ва ҳашаматли Маданият саройи Феруз номи билан аталади. Саройда кино-концерт зали, каттагина тўйхона ва чойхоналар билан бир қаторда марказий маданият уйи ҳам ўрин олганки, унинг қошида ташкил этилган ашула ва рақс ансабли фаолияти, айниқса кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Хивалик ёш ва истеъдодли санъаткорлардан таркиб топган мазкур ансаблга айни пайтда таниқли бастакор Қадамбой Полвонов раҳбарлик қилиб келади. Ансамбль репертуарларидан халқ оғзаки ижодига мансуб турли шўх ва жозибадор куй-қўшиқлар, замонавий бастакорлар яратган ижро намуналари жой олган.

СУРАТЛАРДА: Маданият саройи кўриниши ҳамда рақс ва ашула ансамбли қатнашчиларининг ижро жараёнидан лавҳалар.

Қадамбек ОТАЕВ олган суратлар.

МУҲАББАТ ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Куч ва асабларингизни беҳуда мунозараларга сарф қилманг. Яхшиси, келгуси режаларингизда чалкашликларга йўл қўймасликка ҳаракат қилинг.

СИГИР(22.04-20.05)
Узоқ сафар ва иш юзасидан бўладиган чиқишларингизда сизнинг совуққонлигингиз ноқулай аҳволга тушиб қолишингиздан асрайди.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Сизни таъқиб қилувчи баъзи вазиятларга ортиқча эътибор қилмаганингиз маъқул. Бу ҳолат узоқ душманларингизни ўзингизга қаратишингизга олиб келади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Бу ҳафтадаги куч-ғайратингизни касбингиз маҳоратига йўналтирсангиз, афсус қилмайсиз. Ҳаракатда барака деб бежизга айтишмаган-ку.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Бу ҳафтада юзага келадиган муаммоларга ижодий ёндашишга ва шошилмасдан ҳал қилишга ҳаракат қилинг. Сиз учун катта бўлиб туюлган баъзи муаммолар аслида аҳамиятсиз бўлиши ҳам мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Сиз учун мавҳум бўлган баъзи вазиятларда ортиқча мулоҳаза юритиш шарт эмас. Бундай ҳолатларда қалбингизга қулоқ тутганингиз маъқул.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ҳафта давомида вужудга келган қийинчилик ва англашилмовчиликларни қариндош, таниш-билишлар ва қўшниларингиз билан ҳал қилганингиз маъқул. Уларга суянишингиз мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Асаб ва куч-қувватингизни ортиқча зўриқтиришга ҳожат йўқ. Унутманг, омад сиз томонда. Ҳафтанинг жума куни тижорат билан шуғулланувчилар учун омадли келади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Бу ҳафтадаги куч-ғайратингизни тўғри йўналтиришга эътибор беринг. Атрофдагиларингизга салбий таъсир қилишдан сақланинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ушбу бурж вакиллари ҳафта мобайнида шу кунгача йўл қўйган хатоларини сарҳисоб қилиб, ўз устида изланишлар олиб боришларини маслаҳат берар эдик.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Бирон бир қарор қабул қилишдан аввал яхшилаб ўйлаб кўрсангиз, нохушликларнинг олдини олган бўласиз. Бундай вазиятда якин дўстингиз кўмагини рад этмаганингиз маъқул.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ҳафта ўртасидаги мулоқотларда очиққўнгил ва самимийроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Шундагина сизга рақиб бўлган инсонларни енга оласиз.

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета / журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) | Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

п.в. | жойи | НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

Mahalla (нашр номи) — 148 (нашр кўрсаткичи)

Обуна баҳоси _____ сўм | Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

NOTE
Ҳурматли обуначилар! Ушбу квитанцияни обуна жараёнида сиз учун қулайлик яратиш мақсадида чоп этмоқдамиз. Квитанция варақасини кирқиб олиб ва уни тўлдириб, матбуот тарқатиш ёки алоқа бўлимида обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Утерянную академическую справку ВА 003497 выданную I-Таш.ГосМИ 29.04.2003 г. на имя Перцигер Виктории Феликсовне считать недействительной.

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2-32 гурух талабаси Жамбулова Наргиза Эгамбердиевна номига берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги С.Раҳимов номли 133-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Сулаймонов Ойбек Голибджонович номига берилган O'R-A 572168 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный патент 11005501 выданный 28 июля 2004г. Яккасарайского ГНИ г.Ташкента на имя Вуколова Юрия Андреевича, считать недействительным.

Тошкент Давлат техника университети томонидан 1997 йилда Бекимбетов Ермекбай Каримбаевич номига берилган 182603 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

"FEMIDA-SH-HUQUQ" масъулияти чекланган жамияти тугатилади. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Тел: 77-86-08

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

8613 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-024 Топширилди — 12345